

**ТАЛОНЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Жумакулов Худойберди Ахмед ўғли
ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз, талончилик жиноятининг тушунчаси, асосий хусусиятлари, мазкур жиноятнинг профилактикасига оид фаолиятни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлил қилиниб, фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзи: талончилик, жабрланувчи, талон-тороғ, профилактика, ўзганинг мулкани ошкора талон-тороғ қилиш.

КИРИШ

Жиноятларнинг, хусусан, талончилик жиноятларининг олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари жумласига илгари судланганларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан халқнинг ишончини ошириш, илгари судланганларга (айниқса, ёшларга) мураббийлар бириктириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, муқаддам судланган маъмурий назорат остига тушувчи шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш кабиларни киритиш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларни касбга ўргатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, ҳаттоки пенсия таъминоти борасида ҳам ижобий ўзгаришлар қилинмоқда.

Айниқса, жиноят содир этган ўсмирларни жамиятга қайтариш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш борасида бир қатор дастурлар асосида амалий чора-тадбирларнинг мунтазам равишда амалга ошириб келинаётганлиги жиноятларнинг барвақт профилактикаси борасидаги фаолият самарадорлигини янада оширади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ички ишлар органлари томонидан бошқа масъул давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳозирдан ўз самарасини бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар орасида талончилик жинояти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳам аниқ ва сифатли даражада ишлаб чиқилиши лозимлигини тақозо этади. Бинобарин, талончилик жиноятларининг олдини олишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан зарур бўлган доимий ҳамкорлик ижобий натижаларга эришиш учун имкон яратади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Талончилик жиноятларининг олдини олиш борасидаги профилактик чора-тадбирлар доирасида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, жумладан, жиноят кидирув, тергов, патруль-пост, профилактика ва бошқа хизматлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

Бу борада биргина профилактика инспектори томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май кундаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бошқа турдаги жиноятлар бўйича нашр этилган қўлланмаларда ҳам келтирилган. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида талончилик жиноятларининг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, жойларда кенг жамоатчилик ўртасида маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этиш, шунингдек талончилик жинояти содир этилиши эҳтимоли мумкин бўлган ҳудудларда патруллик йўналишларини ташкил этиш, хизмат ҳудудини кеча ва кундузги вақтларда профилактик кўздан кечириш каби умумий профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, профилактика инспектори талончилик жиноятининг олдини олишда хизмат ҳудудида ёки маъмурий ҳудудда жойлашган алоҳида объектда талончилик жиноятлари, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат мулкани талон-торож қилишга қаратилган хавф-хатарлар юзага келиши кучайганда ғайриижтимоий хулқ-атворли, талончилик ва мулкий турдаги жиноятларни содир этишга мойил ёки муқаддам шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларни аниқлаш билан боғлиқ махсус профилактик чора-тадбирларни ташкил этади. Бунда профилактика инспектори фуқаролар йиғинини хабардор қилиб, ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг ходимларини ҳам жалб этган ҳолда ИИВнинг ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ва бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида «Назорат», «Ижро», «Тозалаш-Антитеррор» ва бошқа шу каби махсус ва тезкор профилактик тадбирларни амалга ошириши лозим. Махсус профилактик тадбирларни ҳудудий ички ишлар органи ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус режа, дастур ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга субъектлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Профилактика инспектори талончилик ва талончилик жиноятининг якка тартибдаги профилактикасида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ маъмурий ҳудуддаги ғайриижтимоий хулқ-атворли, хусусан, талончилик жиноятини содир этишга мойил бўлган ва шундай турдаги

жиноят содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширади.

Бундан ташқари, профилактика инспектори талончилик жиноятларининг виктимологик профилактикаси доирасида хизмат ҳудудида яшовчи жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори шахсларнинг талончилик жинояти қурбонига айланиш хавфидан огоҳлантириш, ушбу турдаги жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек содир этиш усул ва шакллари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирларни амалга оширади. Бунда маъмурий ҳудудда фуқаролар ёки муайян шахсларнинг талончилик жиноятдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида талончилик жиноятларининг содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрни ҳамда жабрланишнинг сабаблари ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади.

Шунингдек, аҳолига ва унинг алоҳида тоифаларига жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар, талончилик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар беради, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақиради ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

Кўриниб турибдики, биргина профилактика инспектори томонидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш, хусусан, талончилик жиноятларининг барвақт олдини олишда бошқа масъул давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳам ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштиришлари лозим бўлади.

Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан келгусида талончилик жиноятларининг барвақт олдини олиш юзасидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси борасидаги фаолиятлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар тавсия этилмоқда.

Умумий тартибдаги профилактик фаолият ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш ва уларга қарши курашиш мақсадида амалга оширилади.

Умумий профилактика деганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича фаолияти тушунилади.

ХУЛОСА

Шу нуқтаи назардан, талончилик жиноятларининг барвақт олдини олишда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари томонидан жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

- «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни ўтказиш учун ишлаб чиқилган режаларни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш кунини ўтказиш бўйича Намунавий дастур»да белгиланган тадбирлар бўйича шакллантириш ва ижрога йўналтириш;

- туман ИИО ФМБ бошлиғи томонидан тасдиқланган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни ўтказиш бўйича дастур ва режалар ижроси юзасидан мувофиқлаштирилган назоратни туман ИИО ФМБ Ташкилий бўлими орқали таъминлаш, мазкур дастур ва режаларда «профилактика куни» доирасида ўтказилган тадбирларга ўзгаларнинг мулкига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикага доир чора-тадбирлар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

- ҳудудий ички ишлар органлари томонидан талончилик жиноятларининг барвақт олдини олиш ва унинг профилактикасига доир йўл-хариталарини ишлаб чиқишда ўтган ҳисобот даврида шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг демографик хусусиятлари, жиноятнинг содир этилиши, вақти, жойи, энг кўп содир этилган ҳафта кунлари, ойлар, жиноятдан кўпроқ жабрланаётган шахслар қатлами-нинг таҳлили орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга масъул субъектларни аниқ кўрсатган ҳолда умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикага доир чора-тадбирлар белгиланишини ҳамда амалга оширилишини таъминлаш;

- соҳавий хизматлар, шунингдек уларнинг юқори турувчи органларидаги бўлинмалари ўртасида электрон ахборот айланишини таъминловчи локал тармоқни яратиш ҳамда қуйи тузилмаларда олиб борилаётган ҳисоботни бир вақтнинг ўзида автоматик равишда юқори турувчи органлардаги тегишли бўлинмаларнинг электрон назорат варақаларида акс этишини таъминлайдиган имкониятни берувчи электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

- ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг оқибатлари акс этган реклама-ташвиқот воситаларини (плакатлар, баннерлар, стендлар ва шу кабиларни), биринчи навбатда, аҳоли гавжум бўладиган бозорлар, савдо марказлари, мактаблар ва шу каби жойларга ўрнатиш чораларини кўриш;

- туман ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан талончилик жиноятлари юзасидан ҳодиса жойини кўздан кечиришдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш жараёнида ушбу жиноятнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш борасидаги фаолиятини қатъий назоратга олиш, бунда ушбу жиноятларнинг сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларини бартараф этиш борасида масъул раҳбарларни ва аниқ

чора-тадбирларни белгилаган ҳолда тақдимномалар киритиш, ушбу тақдимномаларнинг сифатли ижро этилишини назорат қилиш чораларини кўриш;

- содир этилган талончилик жиноятлари юзасидан кўриладиган жиноят ишларини маҳаллалар, меҳнат жамоалари, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида ташкил этиладиган сайёр судларда кўриш ҳамда ушбу суд жараёнларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига намойиш этиб борилишини таъминлаш;

- янги қабул қилинаётган қонунлардан аҳолини хабардор қилиб боришда уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва халқ тилида тушунтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда уларни қонунчиликка риоя этиш руҳида тарбиялаш ишларини мунтазам равишда олиб борилишини қатъий назоратга олиш;

- ҳудудий ички ишлар органлари томонидан талончилик жиноятларининг олдини олиш борасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар билан профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини мунтазам равишда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

- аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтирган ҳолда фуқаролар билан психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишда диний уламолар, юристлар, психологлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

- Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот мультимедиа маркази томонидан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ўзгалар мулкига тажовуз қилишнинг ҳуқуқий оқибати ҳақида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исмаилов И. Саитқулов Қ.А., Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.:, 2015. Б–54-66.

2. Хўжақулов С.Б. “Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида)”// док. дисс. афтреф// Т.: 2018.Б–20.

3. Антонян Ю.М.Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос»,2004. –122 с.

4. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.

5. Саитқулов Қ.А. Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий йўналишлари: Илмий рисола / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, А.С. Турсунов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 24 б.

6. Ривман В.Криминология – СПб.:Питер, 2002. С–7.,

7. Антонян Ю.М.Криминология. Избранные лекции. – М.: «Логос»,2004. –122 с.

8. Криминология. Умумий қисм: Дарлик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б-179.